камиз аҳолисига хизмат кўрсатиб келаётган Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бош ҳамширларни ҳамда Ўзбекистон Ҳамширлар Ассоциациясининг худудлардаги вакиллари иштирок этдилар. Бу албатта, бирламчи бўғинда ҳамширларнинг ўзига хос ўрни борлигини кўрсатади. Куннинг биринчи ярмида тингланган маърузалarda бирламчи бўғиндаги фаолиятларда патронаж ҳамширларнинг алоҳида хизмати борлиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, куннинг иккиси ярмида таҳсилоти ҳамширларлар учун «Бирламчи тиббиий санитария тизимида патронаж ҳамширлар ишини ташкил этиш» мавзусида халқаро ташкилот вакилларининг ўзаро тажрибаси тинглан-

«Саломатлик-3» лойиҳасини татбиқ этиш марказий бюроси.
Ижрои директор В. ҲАКИМОВ.
100007, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51,
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, 3-қават.
Телефонлар: 268-08-19, 267-73-47.
268-25-39 (факс). E-mail: office@jrib.uz
Лойиҳа материалларини ибодат СОАТОВА тайёрлади.
Муаллиф олган суратлар

ИБН СИНО МЕРОСИ: ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ ВА АМАЛИЁТ

Бухоро вилоятида “Ибн Сино илмий мероси ва замонавий тиббиётнинг долзарб муаммолари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, Ибн Сино жамоат фондни, Бухоро вилояти ҳокимлиги ва бир қатор ташкилотлар хамкорлигига ташкил этилган тадбирда мамлакатимиздаги тиббиёт олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалар, тиббиёт муассасалари масъул ҳодимлари, Германия, Франция, Хиндистон, Россия ва бошқа давлатлардан мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Худаяров, Ибн Сино жамоат фонди бошқаруви раиси Ш. Зокирхўжаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов рахнамолигига тиклаш ва ривожлантириш, жаҳон цивилизациясиага бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой илмий-ижодий меросини ўрганиш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини тъкидлади. Замонавий тиббиёт тараққиётида буюк аждодларимизнинг илмий мероси алоҳида таъкидланди. Биз

Ибн Сино меросини ўрганиш, тарғиб этиш борасида дунёнинг кўплаб мамлакатлари олимлари билан ҳамкорлик қолмоқдамиз.

Конференцияда Абу Али ибн Синонинг бой илмий мероси ва унинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди.

— Хиндистонда буюк олим Абу Али ибн Сино илмий мероси катта қизиқиш билан ўрганилади, — **дэйди Ҳиндистондаги Ибн Сино академияси президенти, профессор Сайд Зуллур Рехман.** — Академиямиз Ибн Сино асрларини чукур тадқиқ қилиш билан шуғулланади. Менинг бу борадаги илмий изланишларим 200 дан зиёд мамлаларда жамланган. Ибн Сино мероси мисоли денгиз остидаги хазинага ўхшайди — қанча чукур шўнғисанг, шунча дур топаверасан. Биз Ибн Сино меросини ўрганаётган ва тарғиб қилаётган жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларидаги жамғарма ва марказлар билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Ўзбекистондаги Ибн Сино жамоат фонди билан англашув меморандуми имзоланган. Бундай ўзаро илмий ҳамкорлик олиб борилаётган тадқиқотлар самарадорлигини ошириша хизмат қилаётти. Ўзбекистонда Ўртбошингиз раҳнамолигига аждодлар меросини ўрганиш ва кенг тарғиб

қилишга, қадимий обидаларни тиклаш ва ободонлаштиришга қаратилаётган улкан эътибор таҳсинга лойиқ. Тиббиёт илмий

тиббиёт тараққиётига қўшган ҳиссаси, унинг қарашлари неонатал кардиохирургия ривожида мухим аҳамиятга эга экани, “Тиб қонунлари” асарида таклиф этилган даволаш усулларининг шакллари ҳамон долзарблигича қолаётганини алоҳида таъкидлади.

— Замонавий тиббиёт жадал ривожланган, даволашнинг илфор технологиялари жорий этилган бугунги кунда ҳам Ибн Сино меросига эҳтиёж катта, — **дэйди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги А. Убайдуллаев.** — Бобокалонимиз ҳар бир касалликнинг олдини олиш ва даволаш усулларини батафсил баён этган. Турли мамлакатлардан келган олимлар, амалиётчи шифокорлар буни алоҳида эътироф этмоқда.

Анжуман қатнашчилари Абу Али ибн Сино таваллуд топган Афшона қишлоғига бўлиб, унинг ҳайкали поигига гуллар кўйди. Буюк қомусий аллома ҳаёти ва фаолиятига доир кўплаб тарихий экспонатлар жамланган мемориал-музейни томоша килди.

Конференцияда Бухоро вилояти ҳокими М. Эсонов сўзга чиқди.

**Эркин ЁДГОРОВ,
ЎЗА.**

Сарҳисоб

ФАОЛИЯТЛАРГА ТАҲЛИЛИЙ ЁНДАШУВ

Барчамизга маълумки, юртимизнинг чекка ҳудудлари ҳамда шаҳар миқёсида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро ўз саломатлигини сақлаш учун қишлоқ врачлик пункти ҳамда оиласиб поликлиникаларга мурожаат қиласди. Бу соғлиқни сақлаш тизимида тиббиётнинг бирламчи бўғинига тааллуқли эканлигини ҳаммамиз яхши биламиш. Шундай экан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-3» лойиҳаси ҳамкорлигидаги фаолиятларига ургу қаратадиган бўлсак, бирламчи бўғин ишини такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини йўлга қўйишга катта эътибор берib келинмоқда.



Бунинг исботи сифатида айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг маҳсус буйруқларига асосан пойтахтимиздаги етакчи клиникаларнинг мамлакали мутахассислари иштироқида ташкил этилётган маҳорат дарслари, “Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида бўлиб ўтётган ижтимоий акциялар жараённида аҳолини чукурлаштирилган тиббиёт кўридан ўткашиб, касалликларни эрта аниқлаш, ўз вактида мамлакали тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари ижобий натижалар бермоқда. Жумладан, Ўзбекистон Врачлар Асоциясияси нодавлат

ташкилот бўлсада, улар ҳам врачлар мамакасини мунтазам ошириб боришида ўз ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар.

Жорий йилнинг 14 ноябрь куни Гулистан шаҳрида Ўзбекистон Врачлар Асоциясияси томонидан “Аҳолининг касалланиш кўрсаткичларига таъсир қиливчи хатарли омиллар ва уларнинг олдини олишда долзарб масалалар” мавзусидаги маърузасида асосий эътиборни дунё тиббиётида рўй берадиган янгиликларга қаратди. Шу билан бирга, юртимиз тиббиётнинг бугунги равнақи хусусида ҳам тўхталиб, соҳада эришаётган ютуқларга таҳлилий баҳо берди.

тирок этдилар.

Анжуманни Ўзбекистон Врачлар Асоциясияси раиси, профессор Абдулла Худойберганов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳақида тўхталиб ўтди. Шунингдек, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида амалга оширилаётган фаолиятларга ургу беруб, бу борада эришилган ютуқ ҳамда айрим камчилик ва муаммоларга эътибор қаратди.

Йиғилишда таъкидланганидек, кейинги йилларда Ўзбекистон Врачлар Асоциясиясининг Сирдарё ва Жиззах вилоятлари бўлимларининг фаолияти бир мунча фаоллашди. Таъкидлаш мұхимки, бўлимлар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларининг тадбирларида мунтазам қатнашиб, врачлар мамакасини ошириш, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этиб келмоқдалар. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида фаолият олиб бораётган 3000 га яқин врачларнинг 50 фоизи Врачлар Асоциясияси аъзосидир.

Тадбирда Тошкент врачлар мамакасини ошириш институти профессори Дамин Асадов “Жаҳон тиббиёти кризиси: сабаблари ва ундан чиқиш йўллари” мавзусидаги маърузасида асосий эътиборни дунё тиббиётида рўй берадиган янгиликларга қаратди. Шу билан бирга, юртимиз тиббиётнинг бугунги равнақи хусусида ҳам тўхталиб, соҳада эришаётган ютуқларга таҳлилий баҳо берди.

Шунингдек, Республика ихтинослаштирилган кўз микрохирургия маркази директори, профессор Завар Сидиков шифо масканида амалга оширилаётган ишларга алоҳида ургу қаратиб, дунё бўйича ҳозирги кунда 285 миллион одамларда кўриш муаммолари мавжудлигини таъкидлаб, марказда турли даражадаги офтальмология соҳасида мураккаб операцияларнинг амалга оширилаётганлиги ва уларнинг натижалари хусусида батафсил

ли диабет касаллигининг олдини олиш ва уни даволашнинг замонавий усуллари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Мазкур касаллик тўғрисида батафсил маълумот беруб, бу нафакат мамлакатимиз, балки кенг дунё олимларини ташвишга солаётган глобал муаммо эканлигини тилга олди.

Республика ихтинослаштирилган кардиология маркази

маълумот беруб ўтди. Бундан ташқари, соҳанинг ҳар бир йўналишида мамлакали мутахассислар томонидан турли касалликлар бўйича таҳлилий ахборотлар тингланди.

Анжуман давомида соҳа мутахассислари ва иштироқчилари томонидан юқоридаги мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалар ўртага ташланиб, кун тартибидаги масалалар бўйи-



ча тегишли тавсиялар ишлаб чиқиди.

Анжуман сўнгидаги Ўзбекистон Врачлар Асоциясияси Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари Врачлар Асоциясияси бўлими, Сирдарё вилояти реабилитация маркази, Сирдарё вилояти Хонобод туманидаги кишлоқ врачлик пункти шифокорлари ўз миннатдорликларини билдирилдилар.

**Эркин ТУРСУНОВ,
Тошкент педиатрия тиббиёт институти профессори, Ўзбекистон Врачлар Асоциясияси Фахрий врачлар кўмитаси раиси.**

1 декабрь – Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни

СОГЛОМ ТУРМУШ ТАРФИБОТИ

Мамлакатимизда Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни тадбирларига ҳукумат даражасида эътибор қартилаётганлиги, бу албатта, ҳалқимиз саломатлигига бўлган катта эътибордир. Бундан мақсад, ОИВ инфекцияси профилактикаси, диагностикаси ва уни даволаш масалалари бўйича илгор тажрибаларни ўрганиш, даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва амалиёта татбиқ этиш борасида ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтиришdir.

Бугунги глобаллашув даврида кўпгина соҳалар қатори тиббиёт тизими ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Бирок хасталик, ҳамкорликни олиш борасида республикамизда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу сурункали хасталик билан дунёда 40 миллионга яқин киши азият чекмоқда. Мазкур касалликнинг олдини олиш борасида республикамизда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу соҳага оид барча муносабатларни хукуқий жиҳатдан тартибга солиш масаласи ҳам босқичмабосқич такомилластирилмоқда.

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш соҳасидаги энг муҳим ва барқарор тизими ташкил этиш, буни ягона қонун доирасида белгилаш мақсадида "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ишлаб чиқилди ва 2013 йилнинг 23 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди. Қонунинг асосий мақсади, Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши кураш бўйича муносабатларни

тартибга солишdir. Қонун 5 боб ва 28 маддадан иборат бўлиб, ушбу Қонун орқали соҳада олиб борилаётган барча ишлар, чоратадбирларнинг хукуқий асослари яратилиди, муносабатлар тартибга солинади. Шунингдек, Қонунда мутасадди органларнинг ваколатлари аниқ белгилаб кўйилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши кураш тадбирларининг самародорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўрисида» ги Қарорига асосан ОИВ инфекцияси тарқалиши билан боғлик муаммоларни ўрганиш борасида социологик тадқиқотлар ўтказиш, ҳалқимизнинг менталитети, маънавий-ахлоқий қарашлари ва қадрияларини ҳисобга олган ҳолда юқумли касалликлар профилактикаси, шахсий гигиена масалалари тўғрисида ўкув қўлланмалар, услугубий таълим материаллари, фильмлар тайёрлаш, ахборот-тушунтириш ишлари олиб бориши тадбирларни белгилаб кўйилган. Аҳоли орасида мунтазам маъруза ва сұхбатлар ўтказилиб, турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Бунинг натижасида йилдан-йилга аҳолининг ОИВ инфекцияси профилактикаси борасида хабардорлиги ошиб бормоқда. Агар, 2003 йилда аҳолининг 34 фоизи ОИВ инфекцияси профилактикаси борасида хабардор бўлган бўлса, 2015 йилга келиб бу кўрсаткич 70

фоиздан ортиқни ташкил қилди.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида Тошкент шаҳри, Фарона, Сирдарё, Навоий ва Бухоро вилоятлари ОИТСга қарши кураш марказлари учун янгидан бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қорақалпогистон Республикаси, Андикон, Қашқадарё, Наманган ва Тошкент вилоятлари марказлари учун ажратилган бинолар капитал таъмиранди. 59 та туманлараро ОИВ диагностика лабораторияларида таъмиранаш ишлари якунланди.

ОИВ инфекцияли шахсларни эрта аниқлаш ҳамда даволаш сифатини кузатиб бориш мақсадида давлат бюджети ҳисобидан 5 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағга 23 турдаги замонавий лаборатория ҳамда тиббиёт ассоблари харид қилиниб, ўрнатилди.

ОИВ инфекциясига лаборатория усулида ташхис қўйиш, аҳолини ОИВ/ОИТС касаллигидан муҳофаза қилиш, унга қарши курашиш ва даволаш тадбирларини олиб бориша доимий равиша ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганиб борилмоқда. Шу билан бирга, миллий қадрияларимиз, урф-одатларимиз ва менталитетимиздан келиб чиккан ҳолда кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳолини ОИВ инфекцияси текширувларида жалб қилиш мақсадида тушунтириш ва тарифи ишлари кучайтирилди. Натижада 2009 йилга нисбатан 2015 йилда ОИВ инфекциясига текширилганлар сони З баробар ошиди ва касалликнинг аниқланиши фоизи 2 марта камайди.

ОИВ инфекцияли шахслар ҳаёт сифатини яхшилаш, касаллик тарқалишини чегаралаш мақсадида беморларни махсус даволаш усули – антиретровирус терапияси (АРВТ) билан қам-

раб олиш кўрсаткичлари ошиди. Хозирги кунда 12 мингдан ортиқ ОИВ инфекцияли шахслар АРВТ олмоқда. 2013 йилдан бошлаб давлат бюджети маблағларидан АРВТ дорилари харид этилиши стратегияси ишлаб чиқилиб, унда ҳар йили давлат бюджетидан ушбу муаммога давлат маблағлари ортиб борилиши кўзда тутилган ҳолда давлат бюджети ҳисобидан 1 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.

2012 йилда Республика ОИТСга қарши кураш маркази базасида 60 ўринга мўлжалланган клиника фойдаланишга топширилди. Жаҳон банки лойиҳаси маблағларидан 300 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағга замонавий тиббий ассоб-ускуналар харид қилиниб, ўрнатилди. Ушбу клиникада ОИВ инфекцияли шахсларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

ОИВ инфекциясига лаборатория усулида ташхис қўйиш, аҳолини ОИВ/ОИТС касаллигидан муҳофаза қилиш, унга қарши курашиш ва даволаш тадбирларини олиб бориша доимий равиша ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганиб борилмоқда. Шу билан бирга, миллий қадрияларимиз, урф-одатларимиз ва менталитетимиздан келиб чиккан ҳолда кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳолини ОИВ инфекцияси текширувларида жалб қилиш мақсадида тушунтириш ва тарифи ишлари кучайтирилди. Натижада 2009 йилга нисбатан 2015 йилда ОИВ инфекциясига текширилганлар сони З баробар ошиди ва касалликнинг аниқланиши фоизи 2 марта камайди.

ОИВ инфекцияли ота-онадан соғлом фарзанднинг дунёга келиш имконияти бўлади. Ушбу махсус тадбирлар амалга оширилиши натижасида 2014 йил якунни бўйича ОИВ инфекцияли оналардан соғлом болаларнинг туғилиш кўрсаткичи 99 фоизни ташкил этди.

Маълумки, орттирилган иммунитет танқислиги вируси инсон организмига тушгандан сўнг ўн йил давомида ҳам

клиник белгилар намоён бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун бу касалликни юқтирганлар аксарият ҳолларда ўзларининг касалликка чалингликларини сезмайдилар. Вирус организмнинг иммун тизимини ишдан чиқаргандан кейин, муайян бир касалликлар, масалан, пневмония, сил, ҳар хил кандидозлар, ичак ва бошқа инфекциялар хуружини организм енга олмай қолганида ва бемор шифохонага ўша касаллиги бўйича мурожаат қилганида бу хасталикка чалингани аён бўлади. Касалликнинг кейинги босқичи, яъни ОИВ инфекциясига ОИТС касаллигига айланishiда юз берадиган ўзгаришлар, асосан, тана ҳарорати кўтарилиши, сурункали терлаш, лимфа тугунлари катталashiши, иштаҳа йўқолиши, озиг кетиш, ҳолизланиши, терида тошмалар пайдо бўлиши, ичнинг мунтазам равиша бузилиши ва бошқа шунга ўхаш клиник белгилар билан кечади.

Хулоса ўрнида айтиш мухимики, соғлигимизни асраш ўз қўлимида эканлигини унумаслигимиз керак.

**Зулхумор ХОЛХЎЖАЕВА,
Республика ОИТСга
қарши кураш маркази
мутахассиси.**

ЁШ МУТАХАССИСЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ



Фарона вилоятининг Риштон тиббиёт коллежида 1 минг 474 нафар йигит-қиз лаборатория диагностикаси, фармацевтика, ҳамширилик ва даволаш иши йўнанишларида замонавий шароитларда таҳсил олмоқда.

Таълим даргоҳи аудио, видео, компьютер ускуналари ва ўкув мебеллари билан жиҳозланган. Илмий ва бадиий адабиётлар жамланган шинам ахборот-ресурс маркази доим ўкувчилар билан гавжум.

Жорий ўкув йилида коллежни 348 нафар ёш мутахассис битиради. Айни кунларда битириувчиларнинг таҳсилдан сўнг бандлигини таъминлаш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаси ва қишлоқ врачлик пунктлари билан уч томонлама шартномалар тузилмоқда.

Сурат муаллифи Муқимжон ҚОДИРОВ,
ЎЗА.

ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА ХИЗМАТИДАН АХОЛИ МАМНУН

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, хусусан, ёшларни ҳар томонлама соғлом вояга етказиш йўлида Хоразм вилоятида ҳам тиббиёт ишлар амалга оширилмоқда. Буни Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли З-оиласий поликлиника фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

– Илгари тиббиёт масканимиз “Болалар поликлиники” деб юритилар ва асосан кичконтойларга тиббиёт хизмат кўрсатар эди, – дейди поликлиника бўлим мудири Зулхумор Жабборова. – Бугун бу ерда аҳолининг барча қатламлари вакилларига замонавий тиббиёт хизмат кўрсатилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида қарийб 13 минг фертиль ёшдаги аёллар, 15 мингдан зиёд бола тиббиёт кўрикдан ўтказилди. Оилавий поликлиникада фитобар ҳам ташкил этилган.

Шоназар ҚОРИЕВ олган сурат, ЎЗА.



Обуна – 2016

Хурматли муштарийлар!
«Ўзбекистонда соғлиқни саклаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2016 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унумтсанг!

Нашр индекси: 128.

Матбуот анжумани

ЎЗБЕКИСТОНДА «ҲАМШИРАЛИК ИШИ» бу борада тўпланган тажриба ва истиқболлар



2015 йилнинг 25 ноябрь куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Ўзбекистонда ҳамширалик иши: бу борада тўпланган тажриба ва истиқболдаги вазифалар хусусида» деб номланган навбатдаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди раҳбарлари, Коракалпогистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бosh ҳамширалири, пойтахтимиздаги тиббиёт коллежларининг директор ва директор ўринбосарлари хамда оммавий ахборот воси-

фидойи меҳнат қилаётгандикларини ўз фикрларида баён этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Баш мутахассиси Рихси Салиходжаева Ўзбекистонда ҳамширалик иши ва унинг амалиётдаги фаолияти хусусида қўйидагиларга тўхтади:

– Таъкидлашим мухимки, республика соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ис-

мияси ва бошқа тиббиёт институтларининг "Олий ҳамширалик иши" бўлимларида анестезиология ва реанимация, хирургия, акушерлик ҳамда менежмент йўналишлари бўйича уч минг нафардан зиёд олий маълумотли бакалавр ҳамширалар тайёрланди. 80 нафарга яқин талаба эса магистрлик даражасига эриши. Улар даволаш-профилактика муассасаларида бosh, катта ва етакчи ҳамширали, тиббиёт институти ҳамда коллежларда ўқитувчи лавозимларида ишлаб келмоқдалар. Айни дамда мамлакатимизда 78 та тиббиёт коллежи бўлиб, ушбу таълим масканларида ўқувчиларнинг танлаган касбига бўлган қизиқишини ошириш, мутахассислик бўйича амалий билимларини мустаҳкамлаш ва уларда меҳнат кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳамширалар малакасини ошириш, тизимда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб, кундан-кунга янгиланиб бораётган тиббиёт талабига мослашиб мутахассис зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боис мазкур йўналишда ҳамшираларга кенг имкониятлар яратиш мухимлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бинобарин, ўрта тиббиёт ходимларининг билимини ошириш, кўникмаси, малакасини юксалтиришда Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази мухим ўрин тутмоқда. Бу ерда ходимлар маҳоратини ошириш, уларни ихтисослаштириш ва тизимда замонавий технологиялар имкониятидан кенг фойдаланиш тамойилларини жорий этиш юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда. Олий маълумотли ҳамширалар ва ўрта бўғин маъмурлий ходимларининг малакасини оширишида эса Тошкент врачлар малакасини ошириш институтидаги махсус курс имкониятлари ниҳоятда кўл келмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Саломатлик-3" лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Ҳамширалар Ассоциясиининг бу борадаги ҳамкорлиқ ҳам катта самара бермоқда. Ушбу ҳамкорлик доирасида республика бўйлаб бир ярим мингдан ортиқ ўқув семинарлари ташкил этилиб, 500 нафардан зиёд маҳаллий тренерлар тайинланди. Улар жойлардаги ўрта бўғин тиббиёт мутахассислари ўртасида репродуктив саломатлик ва бехатар оналиқ, болани кўкрак сути билан озиқлантиришнинг аҳамияти, шахслараро мулокот, оналиқ ва болаликни асрар, юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича энг замонавий тамойилларни амалиётга татбиқ этиш бўйича ишлар олиб боришмоқда, –



дэйди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Баш мутахассиси Рихси Салиходжаева.

– Давлатимиз томонидан ҳамширалик ишига қаратилаётган эътибор боис, уларнинг меҳнати кўллаб-кувватланаётганлиги ҳамда яратилаётган барча шароит ва имкониятлар аҳолига сифатли тиббиёт хизмат кўрсатишда мухим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 5 марта қабул қилинган "Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбулаштириш ва фаолияти самардорлигини ошириш чора-тад-лаш тизими синовдан ўтказилиб кўпгина ижобий хулосалар олинди ва бу ишлар яна 18 та туманда давом эттирилмоқда. Натижада кенг жамоматчилик орасида соглом турмуш тарзи қоидаларига амал қилиш, ҳар бир кишининг ўз саломатлигига масъуллик хисси кучайиши, мустаҳкам оиласалар шаклланишига эришилмоқда. Қолаверса, қилинаётган ишлар самараси оналар ва болалар ўлими камаётганлиги, кўплаб асоратли хасталикларнинг олди олинаётганлиги, халқимизнинг ўртача умр кўриш кўрсаткичи узайиб бораётганлиги юқоридаги фикрларимизнинг ёрқин



талари ходимлари иштирок этдилар.

Анжуманини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимидан амалга оширилаётган фаолиятларга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада эришилабётган ютуқларни эътироф этиб ўтди. Шундай экан, соҳада кўлга киритилаётган ижобий натижаларда ҳамшираларнинг ўрни бекиёслигини таъкидлади. Шуннингдек, ҳамширалик ишининг бугунги нуфузи кундан-кунга ошиб бораётганлиги, айни пайта юртимиз тиббиёт муассасаларида уч юз минг нафардан зиёд ҳамширалар бирламчи бўғин, шошилинч ва бозқа ихтисослашган тиббиёт муассасаларида замонавий тиббиёт асбоб-ускуналардан моҳирона фойдалангандан ҳолда халқимиз саломатлиги йўлида

лоҳотлар жараёнида ҳамширалик ишини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини оширишда жаҳон тиббиётининг илгор тамойиллари ҳамда ютуқларидан оқилона фойдаланиш бўйича замонавий, шунингдек, ишларни ташкил этишининг мустаҳкам ҳуқуқий ва амалий асослари яратилди. Натижада ҳамширалар бугунги кун тиббиётининг мухим ҳаракатлантирувчи кучи, ислоҳотлар таянчига айланниб бормоқда. Дарҳақиқат, жаҳон тиббиётининг илгор тажрибалирдан келиб чиқиб, юртимизда олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш тизими жорий этилиши соғлиқни сақлаш тизимиши малакали мутахассислар билан таъминлаш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббиёт ёрдамни янада тақомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунга қадар Тошкент тиббиёт акаде-



дарилиди. Зоро, аҳоли саломатлигиги мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислоҳотлар кўлами йил сайн кенгайиб бораевради, қолаверса, инсонларга ғамхўрлик курсатиши, уларнинг манфаати, турмушиннинг фаровонлигини таъминлаш йўлида хизмат қилиш биз каби ҳамшираларни янада шиҳоат билан ишлашга унайдиди, – **дэйди Наманганд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бosh ҳамшираси Райхона Мансурова.**

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, республикамизда «Ҳамширалик иши» йўналишида диккатга молик ишлар амалга оширилганлиги юқоридаги фикрларда баён этилди. Шундай экан, бугунги кунда аҳолига сифатли тиббиёт хизмат кўрсатишда ўз меҳнатларини аямётган кўп сонли ҳамшираларимиз фаолиятда чақон, меҳрибон бўлсалар, улар хизматини кўллаб-кувватлаш борасида ўтказилаётган барча кўрик-танловларда ўзларининг билимдонлиги, зукколиги ҳамда интеллектуал салоҳияти билан замонавий ҳамширалиғини кашф этмоқдалар, десак муболага бўлмайди.

**Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар.**

**Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги**

**Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул:
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси кўйилади.

**Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истиқбол кўчаси, 30-йи, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигига 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.**

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбое ақциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-йи.
Газета ҳамжи 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифалорчи Бахтиёр КЎШОКОВ.

**Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.**

**Адади 4236 нусха.
Буюртма Г-1158.**

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.
Топширилди – 23.50. 1 2 3 4 5 6

